

ШАРОИТИДА ЯШОВЧИ КИЧИК МАКТАБ ЯШОВЧИ ЎҒИЛ ВА ҚИЗ
БОЛАЛАР ЮЗИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА ФИЗИОНОМИК
БАЛАНДЛИГИНИ ЎСИШ ДИНАМИКАСИ

*B.E.Kiyomov, assistent, Samarqand Davlat Tibbiyot Universiteti,
Samarqand, Uzbekiston,*

*F.Z.Raxmonov, o'quvchi, Samarqand Davlat Tibbiyot Universiteti,
Samarqand, Uzbekiston*

*I.R.Mustafaev, o'quvchi, Samarqand Davlat Tibbiyot Universiteti,
Samarqand, Uzbekiston*

Хулоса. Андижон шаҳри Андижон вилояти шароитида яшайдиган кичик мактаб ёшидаги (7-12 ёш) болалар юзининг морфологик ва физиономик баландлигини кўрсаткичлари муттасил ўсиб боради. Барча краниоетрик кўрсаткичларнинг энг жадал ўсиш давлари 7-10 ёшга тўғри келади. Ўсиш кўрсаткичлари қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан жадалроқ кечади.

Калит сўзлар. Бош мия соҳа, антропометрия, краниоетрия, онтогенез, ўсиш динамикаси, пешона соҳа, калла қисмлари.

Мавзунинг долзарблиги. Антропометрик текширишларнинг катта қисми тананинг бош ва юз қисмларида ўтказилади. Бунинг асосий сабаби шундаки, эрта болалик давридаёқ маълумот тўплаш мумкин. Бундан ташқари бошнинг ўсиши тананинг бошқа қисмларига нисбатан эрта тугалланади.

Тиббий ва спортга оид антропология муаммоларини ечишнинг муҳим босқичларидан бири тана тузилишини ташҳислаш ҳисобланади. Шахсни идентификация қилишнинг муҳим йўналишларидан бири одам танасининг морфологик хусусиятларини ўрганишдир. Тиш-алвеоляр равоғи билан юзнинг шакл ва ўлчамлари орасидаги ўзаро пропорционал боғлиқлик мавжуд. Мавжуд мутаносибликнинг издан чиқиши организмнинг

ривожланишига доир турли хил бузилишларни ташхислашда ёрдам беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ўзига хос географик зона бўлган Андижон вилоятини Андижон шаҳрида болаларнинг жисмоний ривожланишини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Бу йўналишда кичик мактаб ёшидаги болаларда антропометрик кўрсаткичларининг ўзгаришларини ўрганиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Асака тумани шароитида яшайдиган ўрта мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болаларнинг бошнинг пешона қисми ўсиш параметрларини аниқлаш.

Илмий ишнинг материали ва текшириш услублари. Илмий тадқиқотнинг материали сифатида Андижон вилояти халқ таълими муассасаларининг фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги 44-, 46- ва 46-умумтаълим мактабларининг 1-6 синфларида таҳсил олаётган ўрта мактаб ёши (7-12 ёш) даги жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом бўлган 300 нафар ўғил ва қиз болалар олинди. Баъзи муаллифларнинг таъкидлашича 7-12 ёшдаги болаларнинг морфологик ҳамда функционал кўрсаткичлари уларнинг календар ёшига боғлиқ. Текширишларни ўтказишда болалар Э.Г.Мартиросов (1982) тавсиясига асосан яъни ёши ва жинсига қараб алоҳида гуруҳларга ажратилди. Краниометрик текшириш натижаларини тўғри баҳолаш мақсадида болаларнинг ёши Х.Г.Бутаев, К.С.Ладодо, И.Я.Конь, Я.Усмановлар (1985) томонидан тавсия этилган қуйидаги қоида асосида амалга оширилди.

Бошнинг антропометрик кўрсаткичларини ўлчашда В.С.Сперанский, А.И.Зайченко (1980,1988) ва Г.Г.Автандилов (1990) усулларидан фойдаланилди. Кўрсаткичларни ўлчаш жараёни болалар тик турган ҳолатда амалга оширилди. Краниометрик кўрсаткичларни ўлчаш жараёнида R.Marthin (1928) томонидан тавсия этилган краниометрик нуқталардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Олинган натижалар

шуни кўрсатдики, юзнинг юқори кенглиги ўлчами 7 ёшдаги ўғил болаларда $10,00 \pm 0,35$ см га тенг бўлади, 10 ёшда ушбу кўрсаткич $10,85 \pm 0,37$ см га, 12 ёшда эса $11,56 \pm 0,09$ см гача катталашиб боради. Шу ёшдаги қиз болаларда эса мос равишда $9,82 \pm 0,28$ см; $10,71 \pm 0,25$ см ва $10,97 \pm 0,27$ см га тенг бўлади. 7-12 ёшгача бўлган даврда ўғил болаларда бу кўрсаткич 15,6 % га ошса, қиз болаларда эса 11,7 % га катталашади. 12 ёшга келиб ўғил ва қиз болаларда кўрсаткич 1,2:1 нисбатга бўлади. Яъни ўғил болалар юзининг юқориги кенглиги қиз болалар юзининг юқориги кенглигидан 1,2 баробар катталашади.

Юзнинг ўрта кенглиги ўғил болаларда 10-12 ёшлар орасида нисбатан интенсив ўсади (10 ёшда $9,99 \pm 0,07$ см га тенг бўлса, 12 ёшда эса $10,90 \pm 0,24$ см га тенглашади). Ушбу давр давомида юзнинг ўрта кенглиги ўғил болаларда 9 % га ошади. 7 ёшли қиз болаларда эса бу кўрсаткич ўлчами $9,81 \pm 0,13$ см бўлса, 10 ёшда $10,12 \pm 0,06$ см га ва 12 ёшда $10,52 \pm 0,09$ см га катталашади ва бу даврда кўрсаткични 7,2 % гача ошишини кузатишимиз мумкин.

Юзнинг морфологик баландлиги кўрсаткичи 7 ёшдаги ўғил ва қиз болаларда деярли бир хил бўлади (ўғил болаларда $9,75 \pm 0,15$ қиз болаларда $9,71 \pm 0,08$). Олинган натижалар шуни кўрсатдики, юзнинг морфологик баландлиги кўрсаткичи ўғил ва қиз болаларда узишда давом этиб, 12 ёшда ўғил болаларда $11,1 \pm 0,17$ смга, қиз болаларда $10,81 \pm 0,26$ смга тенглашади. 7-12 ёшгача бўлган даврда ўғил болаларда кўрсаткич 13,8 %га ошса, қизларда эса 11,3 %га ошади. Юзнинг физиономик баландлиги ўғил болаларда 7 ёшда $15,7 \pm 0,26$ см ни ташкил этса, 10 ёшда $17,1 \pm 0,20$ см га ва 12 ёшда эса $17,7 \pm 0,24$ см гача катталашади. 7-10 ёшли ўғил болаларда бу кўрсаткичнинг интенсив ўсиши кузатилади ва 9 % гача ошади. Қиз болаларда юзнинг физиономик баландлиги 7-10 ёшлар орасида 6 % га ошади ($15,6 \pm 0,19$ см дан $16,5 \pm 0,18$ см га). 11-12 ёшда эса, ўсиш нисбатан сустлашади ($16,5 \pm 0,18$ см дан $17,3 \pm 0,16$ см га) ва 3,2 % гача ошади.

Ўғил болаларда пешона диаметри 7-12 ёшлар орасида 9,2 % га ошади

($8,12 \pm 0,59$ см дан $8,87 \pm 0,19$ см га) ва бу давр ичида нисбатан жадал ўсиш 10-12 ёшлар орасига тўғри келади ($8,52 \pm 0,28$ см дан $8,87 \pm 0,19$ см га). Бу даврда кўрсаткич 4% га катталашади. Қиз болаларда эса 7-12 ёшгача бўлган даврда пешона диаметри 11,6 % га ошади ($7,67 \pm 0,60$ дан $8,56 \pm 0,47$ см га). Бу даврда нисбатан ўсиш 8-11 ёшлар орасига тўғри келади.

Пешонанинг энг кенг қисми 7-12 ёшдаги ўғил болаларда $12,26 \pm 0,74$ см дан $13,38 \pm 0,37$ см гача катталашади ва ўсиш 9,1 % га ташкил этади. Қиз болаларда эса, 7 ёшда $12,09 \pm 0,18$ см га; 10 ёшда $12,57 \pm 0,41$ см га ва 12 ёшда $13,12 \pm 0,31$ см гача катталашиб боради. 7-10 ёшли ўғил ва қизларда кўрсаткичлар деярли бир хил бўлади ва 12 ёшга келиб ўғил болаларнинг кўрсаткичлари 9,1 % га ортади ва шу ёшдаги қиз болалар кўрсаткичидан 1,1 баробарга катталашади. Пешонанинг энг кенг қисми қиз болаларда асосан, 10-12 ёшгача бўлган даврда ўсиши ортади ва 8 % га ошади.

Пешонанинг энг тор қисмини ўлчами 7 ёшдаги ўғил болаларда $10,16 \pm 0,09$ см га тенг бўлиб, 10 ёшгача 9,8 % га ошса ($11,16 \pm 0,24$ см), 12 ёшга келиб $11,70 \pm 0,37$ см га тенглашади ва 15 % га ошади. Қиз болаларда эса мос равишда, дастлаб 10 ёшга қадар 6 % га ошса ($10,09 \pm 0,27$ см дан $10,67 \pm 0,57$ см га), 12 ёшгача 11,3 % га ошишини кўришимиз мумкин ($10,09 \pm 0,27$ см дан $11,23 \pm 0,36$ см га).

Энса кенглиги ўғил болаларда 7-12 ёшлар оралиғида 9,2 % га катталашади ($10,15 \pm 0,31$ см дан $11,09 \pm 0,34$ см га). Қиз болаларда нисбатан тезроқ ўсиш кузатилади ва бу даврда қизлар энса кенглиги 11,3 % га ошади ($9,85 \pm 0,25$ см дан $10,97 \pm 0,27$ см га). Кўрсаткичларнинг энг жадал ўсиш даврлари хар иккала жинсдагиларда ҳам 7-10 ёшлар орасига тўғри келади.

Олинган натижаларга кўрсатишича, кўз косасининг кенглиги ўлчами 7 ёш ўғил болаларда $3,10 \pm 0,04$ см га тенг бўлса, 10 ёшда $3,48 \pm 0,05$ см га ва 12 ёшда $3,86 \pm 0,08$ см га тенг. Шу ёшлар орасидаги давр мобайнида кўрсаткич 24,5 % га ошиб, 13 % 7-10 ёшлар орасига, қолган 11,5 % 10-12 ёшлар оралиғига тўғри келади. Қиз болаларда эса бу кўрсаткич 7-12 ёшгача бўлган даврларда бир текисда ўсишда давом этади. 7 ёш қиз болаларда $3,04 \pm 0,07$ см

га тенг бўлса 10 ёшда $3,39 \pm 0,11$ см га ва 12 ёшда $3,77 \pm 0,09$ см гача катталашади ва бу давр мобайнида кўз косаси кенглиги 24 % га ортади. Ривожланаётган организмнинг, айниқса унинг фаол қисмларининг ўлчамларини катталашувини изоҳлайдиган кўрсаткич бу ўсиш бўлиб, у кескин пропорционаллик хусусиятига эга эмас ва шаклланиш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Юз қисмининг чизиқли ўлчамларидаги жинсий тафовут юз қисмининг морфогенези тугаллангандан сўнг намоён бўлади.

Жинсий балоғатга етиш даврида калла суягининг шаклланишида эркеклар ва аёллар скелети орасида сезиларли фарқ кузатилади. Одам суяқларининг қолдиқларини ўрганиш индивиднинг қайси жинсга таъаллуқлиги тўғрисида етарли даража маълумот бера олади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Алексина Л.А., Хайруллина Т.П., Ригонен В.И. и др. Этно-территориальные особенности массы костного вещества пятых костей // Российс. морфологические ведомости.– Москва, 1999.– №1-2.– С. 26.
- 2.Алексина Л.А., Ригонен В.И., Хайруллина Т.П. Процентное соотношение длин коротких трубчатых костей третьего луча кисти // Материалы IV международ. конгресса по интегративной антропологии. – СПб, 2002. – С.10-11.
- 3.Саттибаев И.И. 7 ёшгача бўлган болаларда кўкрак қафасининг ўсиш кўрсаткичлари. // Тиббиётда янги кун. Тошкент. 2018.-С.21-23.